

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши	187
Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	189
О.А.Yuldashev	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	192
И. Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	195
Р. Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	198
Р. Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	202
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	205
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	209
Д. Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	212
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	214
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	217
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	220
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	224
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	227
А.Х.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	230
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	233

УДК:

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ
(1950-1970 йиллар мисолида)**

**НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ
(на примере 1950-1970 годов)**

**TAX POLICY OF THE SOVIET GOVERNMENT IN UZBEKISTAN
(on the example of 1950-1970)**

Р. Дусчанов¹¹Р. Дусчанов

ЎЗМУ, тарих факультети манбашунослик ва архившунослик кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада молия органлари солиқ тўловчилар ва уларнинг даромадларини ҳисобга олишда ишни нотўғри ташкил этганликлари, уй хўжаликлари, колхозчилар хўжаликларидаги томорқаларнинг ўлчовлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаганлиги Ўзбекистон ССР мисолида архив манбалари ва бошқа турли илмий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилиб берилди.

Аннотация

В статье при помощи архивных источников и научной литературы, на примере Узбекской ССР, анализируется работа финансовых органов по учету налогоплательщиков и их доходов, данные о размерах домохозяйств и приусадебных участков колхозников, при этом акцент делается на том, что данная работа была организована неправильно, а сведения о размерах приусадебных участков были неполными.

Annotation

The article analyzes the use of archival sources and various scientific literature on the example of the Uzbek SSR, misorganization of the work of accounting for taxpayers and their income, incomplete information on the size of farms, collective farms.

Таянч сўз ва иборалар: хўжалик, экинлар, чорва, даромад, колхоз, совхоз, молия органлари, солиқ, имтиёз, социалистик мулк, исроф қилиш, хўжасизларча фойдаланиш, ўз ишига масъулиятсизлик, қишлоқ хўжалиги артеллари, қишлоқ хўжалиги ширкатлари, ер участкалари.

Ключевые слова и выражения: хозяйство, культуры, общественный скот, доход, колхоз, совхоз, финансовые органы, налоги, льготы, социалистическая собственность, растрата, бесхозяйственность, безответственное отношение к работе, сельскохозяйственные артели, сельскохозяйственные кооперативы, земельные участки.

Key words and expressions: farm, crops, livestock, income, collective farm, state farm, financial authorities, tax, privilege, socialist property, waste, mismanagement, irresponsibility in their work, agricultural cooperatives, land plots.

Солиқларнинг давлат бюджети учун асосий тушум эканлиги Иккинчи жаҳон уруши йиллари яққол кўзга ташланди. Урушнинг бошланиши совет мамлакати бюджети ва молия тизими таъсир қилди. Ҳарбий харажатлар муттасил ўсиб, собиқ иттифоқ ва иттифоқдош республикалар бюджетида даромадлар ва харажатлар қисмлари ўртасида номуносиблик бузилди. Биргина ҳарбий техникадан фойдаланишнинг ўзи иқтисодий сарф-харажатлар миқдорига таъсир этди. 1940 йилда мамлакат бюджети даромадидаги даромад кўрсаткичлари уруш бошланиши билан тушиб борди. Агар бюджет даромади 1941 йилда 177,0 млрд. рублни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1942 йилда 165,0

млрд. рублга тушиб қолди[1]. Натижада мулкчиликнинг барча кўриниши бўлган кооператив тизим ва жамоат ташкилотлари, жумладан, совхозлар, Халқ комиссарликлари қошидаги саноат корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлашса-да, улар тўлаётган турли солиқ ва тўловлар миқдори кескин оширилди. Шу тариқа солиқлар аҳоли маблағларини давлат бюджетига жалб этишнинг асосий воситасига айланди[2].

Урушдан кейинги даврда (1953-йилгача) СССР солиқ тизими деярли ўзгаришсиз қолаверди. 1953 йил Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги қонун янги тизимни бошлаб берди. Қонунга кўра, колхоз аъзолари, шунингдек, халқ депутатлари қишлоқ Советлари ҳудудида томорқа ерлари

ва ҳайдаладиган ер участкалари ажратиб берилган бошқа фуқаролар хўжаликлари солиқ тўловчиларга айланишди. Қишлоқ хўжалиги солиғи ҳар бир хўжалиқдан фойдаланишга ажратилган ер участкасининг майдонига қараб ҳисобланди, бироқ бино, бута, ўрмонлар, жамоат йўллари ва бошқалар билан банд қилинган ерлар ҳисобдан чиқарилди. Айти пайтда мазкур солиқ бўйича кенг имтиёзлар тизими жорий қилинди, солиқ тўлашдан ўқитувчилар, агрономлар, зоотехник, гидротехник ва бошқалар озод этилди[3].

1957 йилда миқдори ташкилотнинг разрядидан келиб чиқиб белгиланувчи патент йиғими бекор қилинди. Разряд ишлаб чиқарувчи корхоналарга йиллик ялпи маҳсулотнинг миқдорига қараб, савдо корхоналарига эса товар айланмаси режасидан келиб чиқиб ўрнатилди. 1958 йил қишлоқ аҳолиси йўл мажбуриятларидан озод қилинди, маҳаллий йўлларни қуриш ва таъмирлаш колхозлар, совхозлар, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа корхона ва хўжалик ташкилотларига топширилди.

Бироқ, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг солиқларни ундириш ишлари жуда ёмон аҳволда амалга оширилди. Солиқ ундиришнинг барча жараёнларида хатоликлар бўлди. Масалан, молия органлари солиқ тўловчилар ва уларнинг даромадларини ҳисобга олишни нотўғри ташкил этиш билан амалга оширган. Солиқ инспекторларининг ёрдамчилари, солиқ агентлари ва солиқ бухгалтерларига солиқ ҳисобини мустақил амалга ошириш вазифаси топширилган вақтда улар уй хўжаликлари ҳақида маълумотлар тўпламаганлар, колхозчилар хўжалиқларидаги томорқаларнинг ўлчовлари тўғрисидаги маълумотга эга бўлмаганлар ҳамда бошқа назорат материалларидан тўлиқ фойдаланмаганлар. Натижада хўжалиқлар, экинлар, чорва, дарахтлар ва деҳқончилик билан боғлиқ бўлмаган даромадлар тўлиқ ҳисобга олинмаган, оила аъзолари эса нотўғри ҳисобланган. Текширувлар натижасида биргина Тошкент вилоятидаги Янгийўл туманида жойлашган Андреев номидаги колхоз бўйича 37 та колхоз (жамоа хўжаликлари) ва Фарғона вилояти Қўқон туманида жойлашган 3 та қишлоқ Кенгашидаги 72 та хўжалик ҳисобга

олинмаганлиги аниқланган[4]. Қашқадарё вилоятидаги Чироқчи туманида жойлашган Дурсун қишлоқ Кенгашида эса ҳисобга олинмаган 147 та мол, 218 та қўй ва эчкилар аниқланган, Қашқадарё вилояти Қамаш туманида жойлашган Чим қишлоқ Кенгашининг “Коммуна” колхоз раиси Шарапов, Бухоро вилоятидаги Ғиждувон туманида жойлашган “Ленинизм” колхозининг фермаси мудир Пўлат Давлатов ва бошқаларнинг хўжалиқларида чорвани яшириш каби ҳоллар баъзи колхоз раҳбарларининг хўжалиқларида ҳам кузатилган. Тошкент вилояти қабидаги Янгийўл туманида жойлашган 29 та якка тартибдаги хўжалик колхозчилар хўжаликлари билан бир хил тартибда солиққа тортилган[5].

1949 йилда Урганч шаҳри, Урганч, Хива ва Гурлан туманларида ўтказилган солиқ солиш ҳолатининг текшируви натижасида ҳам солиққа оид бажариладиган ишлар кўпол тарзда бузилганлиги аниқланган. Жумладан, 1949 йилда молия органлари колхозлардан олинадиган даромад солиғини ундириш ишлари самарали амалга оширилишини таъминламаган, колхозларнинг йиллик ҳисоботларини ҳужжатлар асосида текшириш ишлари белгиланган муддатда тугатилмаган, натижада кўплаб колхозлар текширилмаган йиллик ҳисоботлар бўйича даромад солиғига тортилган, бу эса, ўз навбатида, солиққа тортиладиган даромад миқдорини аниқлашда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Хоразм вилоятининг баъзи туманларида колхозларнинг даромад солиғи бўйича йиллик ҳисоботларини текшириш жараёнида қонунлар кўпол тарзда бузилган. Масалан, Гурлан туман молия бўлими 1949 йил учун колхозлардан олинадиган даромад солиғини 19 та колхоз бўйича 31686 рублга кам, Қўш-Кўпир туман молия бўлими эса 18 та колхоз бўйича 6895 рублга кўп ва 19 та колхоз бўйича 8420 рублга кам ҳисобланган. Шовот туман молия бўлими 46 та колхоз бўйича 417 минг рублга тенг бўлган солиққа тортилмайдиган даромадларни айириб ташламаган ва бунинг натижасида ушбу колхозлар бўйича солиқ 25062 рублга кўп ҳисобланган. Бундай хатоликлар қатор туманларда маблағларни жамлашнинг квартал режалари колхозлардан даромад

солиғи бўйича аванс тўловларини қонунда белгиланганидан кўп миқдорда ундириш ҳисобига ошириб бажарилишига ва шу билан бир вақтда бошқа тўлов манбалари бўйича режаларнинг бажарилмаслигига олиб келган[6].

Қишлоқ хўжалиги солиғини ҳисоблаш ва ундириш жараёнида ҳам катта хатоликларга йўл қўйилган. 1948 йилда қатор туманлардаги молия органлари солиққа тортиладиган объектлар ва деҳқончилик билан боғлиқ бўлмаган даромадларни тўлиқ ҳисобга олмаган, солиқ тўловчиларга қонунда белгиланган солиқ имтиёзларини ўз вақтида тақдим этмаган ва ноқонуний йўл билан имтиёзларга ҳуқуқи бўлмаган хўжаликларни солиқдан озод қилган. Бунинг натижасида баъзи жамоа хўжаликлари солиқни белгиланган миқдордан кўп, бошқа колхозлар эса кам тўлаган. Масалан, Хонқа туман молия бўлими 475 та хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги солиғини 61651 рублга кўп ҳисоблаган, Хива туман молия бўлими 392 та колхозчилар хўжаликларига миқдори 15303 рублга тенг бўлган солиқ имтиёзларини тақдим этмаган, улардан 122 та хўжаликка имтиёзлар шикоят аризалари топширилганидан сўнг тақдим этилган. Урганч туман молия бўлими 172 та Иккинчи жаҳон уруши I ва II гуруҳ ногиронларининг хўжаликлари ҳамда ҳалок бўлган ва домдараксиз кетган ҳарбийлар оилаларига солиқ имтиёзларини тақдим этмаган[7].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юқоридаги содир бўлган ҳолатлар совет давлатининг хўжасизларча бошқариш сиёсати бўлса, иккинчидан, солиқ йиғувчилар, умуман солиқ билан боғлиқ бўлган ходимларнинг ўз ишини билмаслиги, маҳаллий солиқ ундирувчиларнинг рус тилини билмаслиги, нимани ундириб, қандай вазифани бажаришни англамаслиги ҳолатлари сабаб бўлди. Яна бир омил – бу, кишиларда манфаатдорликнинг йўқлиги, Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин ҳам социалистик мулкни исроф қилиш, хўжасизларча фойдаланиш, давлат мулкни эҳтиёт қилмаслик, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашиш каби ҳолатлар солиқларни йиғиш жуда катта камчиликлар билан амалга оширилишига сабаб бўлган эди.

1953 йил 8 августда СССР Олий Совети “Солиқлар. Қишлоқ хўжалиги тўғрисида Қонун[8]”ни қабул қилди. Унга кўра қишлоқ хўжалиги солиғини тўловчилар: колхозлар, яъни жамоа хўжаликлари – қишлоқ хўжалиги артеллари аъзолари, аралаш ишлаб чиқариш хўжалик артеллари (саноат колхозлари), балиқ овлаш артеллари қилиб белгиланди. Якка тартибдаги деҳқон хўжаликларида бўлса қишлоқ Советларига маъмурий жиҳатдан бўйсундирилган ва қишлоқ ҳудудларидан ер участкалари ажратилган колхоз аъзоси бўлмаган фуқаролар хўжаликлари белгиланди. Баъзи имтиёзлар ҳам берилди. Унга кўра колхоз бўлган ва бўлмаган хўжалик таркибида ҳисобда турувчи, оиланинг аъзоси айти дамда Совет Қўшинлари, Ҳарбий-денгиз флоти ёки чегара ва ички қўшинлар таркибида хизматда бўлса ва оилада ҳарбий хизматчининг 8 ёшгача фарзанди бор онаси ва рафиқасидан бошқа меҳнатга лаёқатли вакил бўлмаса, оилада фақатгина битта меҳнатга лаёқатли вакил бўлган, таркибида I гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши ногирони бўлган хўжаликлар, оилада фақатгина битта меҳнатга лаёқатли вакил бўлган, 16 ёшгача фарзандлари бор таркибида II гуруҳ уруш ногирони бўлган хўжаликлар, 16 ёшгача бўлган 5 ва ундан ортиқ фарзанд бўлган оилада I ёки II гуруҳ уруш ногирони, икки нафар меҳнатга лаёқатли аъзоси бор хўжаликлар, таркибига I ва II гуруҳ уруш ва меҳнат ногиронлари ҳамда 2 нафар меҳнатга лаёқатли оила аъзоси бўлган хўжаликлардан солиқ 2 баробар камайтирилиб, меҳнатга лаёқатли вакил бўлмаганда эса солиқдан тўлиқ озод этилди.

Меҳнат ногиронлари учун имтиёз ёлланиб ишлаб, меҳнат ногиронига айланган ва ижтимоий таъминот органлари томонидан I, II гуруҳ ногиронлигига киритилган фуқаролар хўжаликларига берилди. Ногирон вафот этган тақдирда хўжалик учун тақдим этилган имтиёз йил охиригача сақланди.

Айти пайтда солиқ тўловидан қуйидаги колхозчи ва якка шахслар, оиласида шахсий меҳнати билан иштирок этувчи бўлмаган тақдирда, солиқдан озод этилди, 60 ёшли ва ундан катта эракалар, 55 ёшли ва ундан катта аёллар, қишлоқ бошланғич, тўлиқсиз ўрта мактаб ҳамда ўрта мактаб

ўқитувчилари (шунингдек, мазкур мактабнинг нафақага кетган ўқитувчилари), директорлар, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, қишлоқ ҳудудидаги “Меҳрибонлик” уйлари тарбиячилари ва меҳнат инструкторлари, махсус маълумотга эга ва мутахассислиги бўйича қишлоқ ҳудудларида жойлашган ташкилот, корхоналарда ишловчи агрономлар, зоотехниклар, гидротехниклар, ер тузиш ишлари мутахассиси, мелиораторлар, ветеринар врачлар ва фельдшерлар, тиббиёт врачлари, ўрта махсус медицина ходимлари, давлат санитария инспекторлари, қишлоқ ҳудудида жойлашган сиёсий қисм директорлари, директор ўринбосарлари, техник бошқарувчилар, муҳандислар, техниклар, агрономлар, катта механиклар ва машина-трактор станциялари, қишлоқ хўжалиги машиналари туманлараро капитал ремонт устахоналари, шунингдек, совхозлар, от етиштириш заводлари ва давлат ниҳол етиштириб берувчи ташкилотлар механиклари белгиланди[9].

Умуман, 1920-йиллардан бошлаб амалга оширилган солиқ тизими қайсидир даражада белгиланган вазифаларни амалга оширишга имкон берди, бироқ у бир объектни бир неча мартаб солиққа

тортишга имкон берадиган жуда мураккаб ва чалкаш бўлди. 1930-1932 йилларда эса СССРдаги солиқ ислоҳоти аввалги солиқ сиёсатини тубдан ўзгартириб юборди. Солиқларнинг катта қисми давлат ташкилотларининг давлат бюджети учун мажбурий тўловларига айлантирилди. 1941 йилдан 1945 йилгача бўлган даврда бюджетни тўлдириш мақсадида янги кўринишдаги янги солиқ тўловлари жорий қилинди, аммо урушдан кейинги даврда аҳолидан бюджетга тушадиган солиқ тушумлари ҳажми қисқарди. 1953 йилги қишлоқ хўжалиги ислоҳоти натижаси солиқ ставкаларининг қисқариши ва фуқароларнинг шахсий томорқа хўжалигининг кенгайиши бўлди. Бу йиллардаги белгиланган вазифалар ҳам совет давлати солиқ сиёсатини тўлиқ, ҳаққоний амалга ошириш имконини бермади. Урушдан кейинги йилларда ҳам мунтазам равишда халқ хўжалигини бошқариш ва режалаштиришни марказлаштириш сиёсати амалга ошириб келинди ва хўжалик механизмининг шаклланишига ва товар-пул муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди, бу, корхоналар мустақиллиги ва ташаббускорлигининг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Адабиётлар:

1. Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне. 1941-1945 гг.
2. Вознесенский Н. Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – М.: Госполитиздат.
3. Петухова Н.Е. История налогообложения в России IX-XX вв. Учеб пособие. / Н.Е.Петухова. – М.: Вузовский учебник, 2008.
4. ЎзМДА Ф-837, опись-33. Дело – 6190, 35 varaқ.
5. ЎзМДА Ф-837, опись-33. Дело – 6190, 35 varaқ.
6. ЎзМДА ф-837, опись-33, дело – 6190, 121 varaқ.
7. ЎзМДА ф-837, опись-33, дело – 6190, 122 varaқ.
8. Сборник законов СССР, указов Президиума Верховного Совета СССР. 1938 г - 1961г. - М.: Изд. Известия Советов депутатов трудящихся СССР, 1961.
9. Сборник законов СССР, указов Президиума Верховного Совета СССР. 1938 г - 1961г.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)